



Тошкент халқ халқати

РўНОМА 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 171 (10.167). • 1991 йил 4 сентябрь • чоршанба • Баҳоси 8 тийин.

Съезд кундалиги

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА



Москва. 2 сентябрь. ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлнинг Съездлар саройидан хабар қилди.

СССР Президенти ва ўрта иттифоддош республика олий раҳбарларининг Баёноти Москвада ўтаётган СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида асосан қўллаб-қувватланди.

Россия Федерациясидан сайланган депутатлар СССР Президенти ва ўрта иттифоддош республика олий раҳбарларининг Баёнотини қўллаб-қувватлаб, бу ҳужжатда қайд этилган чора-тадбирларни асос учун қабул қилиш ва ўтиш даври тузилмаларини барпо этиш юзасидан ишнинг давом эттириш керак, деган фикрни билдирмоқдалар. Бу тузилмалар мамлакат бўлиб кетишининг олдин олган бўлур эди. Анатолий Собчак Съезд минбаридан ана шуларни айтди.

Украина депутатлари номидан Юрий Щербак сўзга чиқди. У ҳам Баёнотни қўллаб-қувватлашни айтди, бироқ Украина парламент аъзоларида бир қанча мулоҳазалар борлигини таъкидлади. Жумладан суверен давлатлар Иттифоти Конституциясини ишлаб чиқиш

гояси энг кўп эътирозга сазаб бўлмоқда. Юрий Щербакнинг гапларига қараганда бунга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Белоруссия вакили Станислав Шушкевич Баёнотни принцип жиҳатдан ижобий баҳолади.

Ҳужжатда ифодаланган принципал қоидаларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон депутатлар делегациялари вакиллари ҳам қўшилди. Айни вақтда улар Баёнотни пухталаштириш юзасидан бир қанча аниқ фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

СССР Президенти ва ўрта республика раҳбарлари тақлиф этган Съезднинг иш тартиби ва унинг кун тартиби ҳам қўллаб-қувватланди.

Танаффусдан кейин СССР Олий Кенгаши Иттифоқ Кенгаши раиси Иван Лаптевнинг тақлифи билан Съезд ишида даъват қилинган СССР халқ депутатлари рўйхатида олиниди. Бироқ унинг натижаси дарҳол эълон қилинмади.

Шундан сўнг Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбаев тақлиф этган Съезд Раёсати таркиби юзасидан

қанча конституциявий қоидаларга бевосита дахлдор эканлиги ва амалдаги конституциявий негизларга мувофиқ шаклларида, шу жумладан унинг айрим нормалари амал қилишини тўхтатиб туриш йўли билан СССР Конституциясига тегишли ўзгаришлар киритилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланди. СССР Конституциясининг 108 ва 174-моддаларига биноан СССР халқ депутатлари съездининг қарори билангина мана шундай ўзгаришларни қилиш мумкин, дейиладди баёнотда.

МОСКВА. 3 сентябрь. ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлнинг Съездлар саройидан хабар қилди.

Бугун эрталаб соат ўнда СССР халқ депутатларининг бешинчи, навбатдан ташқари Съезди ўз ишини давом эттирди. Мунозара давомида СССР Президентининг сўзга чиқиши қўйилмоқда. Депутатлар СССР Олий Кенгашининг ўтган ҳафтада тутилган навбатдан ташқари сессияси томонидан таъсия этилган кун тартибининг баъзи масалаларини кўриб чиқишлар эҳтимолдан ҳоли эмас, деса бўлади. Бундан бир

кун аввал, анжуман раёсатининг қарори билан Съезднинг кун тартиби тўғрисидаги масала очқ қолдирилди. Кўпгина депутатлар бунга иш тартибига хилоф бўлган «эўравонлик» деб атадилар.

СССР Президенти билан ўн республика олий раҳбарларининг Баёноти юзасидан фикрлашулар давом эттирилиши эҳтимоли бор. Бу Баёнот Съездда кенг қўллаб-қувватланганини эълоб ўтмоқ керак. Шу билан бирга бир қанча республикаларнинг вакиллари ва бошқа айрим депутатлар Баёнотнинг баъзи қоидалари хусусида бир қанча жуда муҳим мулоҳазаларни айтди.

Съезд томонидан тузилган тақрир комиссияси бу мулоҳазаларни албатта кўриб чиқади ва эҳтимол мurosали қарорлар ёки ҳатто муқобил қарорларга келиш йўллари излайди.

Съезднинг бугунги эрталабки мажлисини Қозоғистон Президентини Н. А. Назарбаев очиб, Съезд котибиятининг биринчи мажлисида СССР халқ депутати А. Н. Сауниинг бир овоздан

котибият раиси этиб сайланганини маълум қилди.

А. Н. Сауниинг анжуман котибиятининг таркиби ва вазифалари, унинг иш тартиби ҳақида депутатларга ахборот берди. Анжуман номига 1250 та хат ва телеграмма келди, деди у. Уларнинг асосий мазмуни СССР Президенти билан ўрта иттифоддош республика олий раҳбарларининг Баёнотини қўллаб-қувватлашдан, яна давлат сифатида иттифодни сақлаб қолишни маъқуллашдан иборат.

Бугун эрталабки мажлисдаги мунозара охирида СССР Президенти билан ўрта иттифоддош республика олий раҳбарларининг Баёнотида ўртага қўйилган ҳуқуқий масалаларни ишлаб чиқиш комиссиясининг таркиби Съезд томонидан таъкидланди. Раислик қилувчи Н. А. Назарбаевнинг депутатларга хабар қилишича комиссия ҳозирнинг ўзидаёқ ишга киришти. Сўнгра анжуманда 30 дақиқали танаффус эълон қилинди, танаффусдан кейин муҳокама яна давом этади.

(ТАСС).

ЯҚДИЛ ФИКР БИЛДИРИЛДИ

«ПРАВДА» мухбири Тонидан хабар беради: Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер шу кунларда Японияда меҳмон бўлиб турибди. Акасака саройида Япония бош вазири Т. Кайфу ҳамда М. Тэтчер ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Совет Иттифоқида вужудга келган ҳозирги тағлиқ асосий мазмуни бўлди. Суҳбатдошлар Президент М. С. Горбачев бошчи ҳозирги марказий ҳукуматнинг тулиқ фаолият қўрсатиши ҳар икки томон манфаатларига мос бўлиб тушади, деган яқдил фикр билдирдилар. Таъкид қилиб, кўрилли кучлар ҳамда солиқ системасининг М. С. Горбачев назоратида бўлиши фақат фойда келтиради. Шунингдек, суҳбатдошлар Совет Иттифоқи жумхуриялари ўртасидаги муносабатларни ҳам марказ ўз зиммасига олиши лозим, деб таъкидладилар.

ПОЛЬША ҲУКУМАТИНИНГ ТАЛАБИ

Польша сейми Велецкий истефосини қабул қилган сўнг бош вазири Валезий кун тартибига таъкид қилиб, Велецкий вазиридан энг яқдил муаммолар рўйхатини тузиб чиқишни илтимос қилди. Ана шу муаммолар бўйича ҳукумат деярлининг муаммоларини таъкид қилди.

Польша сейми Велецкий истефосини қабул қилган сўнг бош вазири Валезий кун тартибига таъкид қилиб, Велецкий вазиридан энг яқдил муаммолар рўйхатини тузиб чиқишни илтимос қилди. Ана шу муаммолар бўйича ҳукумат деярлининг муаммоларини таъкид қилди.

СУРИЯ ВА ЛИВАН ЯҚИНЛАШМОҚДА

СУРИЯ билан Ливан ўзаро хавфсизлик ҳақида битим имзоландилар. Мазкур битимга асосан ҳар иккала мамлакат ўзаро раъвда ахборотлар алмашадилар, жоний ишларга қўл урган қилларини бир-бирларига берадилар. Ливия муҳофа вазири Машеел Мурр ҳар икки давлат ўртасида тузилган битим шу йил 22 майда Ливан ҳамда Сурия президентлари ўртасида имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва бошқарини хусусидаги шартномага тулиқ мос тушади, деди. Бу шартномада ташқи сессат, муҳофа, хавфсизлик ҳақида иқтисодий муаммоларни ҳар икки мамлакат раҳбарияти ўртасида биргаликда ҳал этилиши кўзда тутилган эди.

Лекин, Исроил Ливия ҳамда Сурия ўртасида вужудга келатган бундай яқинликдан ташвишга тушмоқда. Исроил томони бундай яқинлашуви натижасида Сурия Ливияни «ютуб» юбориши мумкин, оқибатда Тель-Авив ўтказатган хавфсизлик сессати таҳлика остида қолади, деб ҳисобламоқда.

ҚОҲИРА ВА ТЕҲРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

МИСР Ташқи ишлар вазири Амир Мусо Швейцария элчихонаси қоидада фаолият кўрсатган Эрон вакиллари раҳбари билан учрашди. Бу — 1979 йилда Миср ва Исроил ўртасида тузилган, жаҳонда Кемп-Дэвид тинчлик битими деб ном олган жараёндан сўнг ўтказилган биринчи учрашуви бўлди. Оммавий ахборот воситаларининг шарҳчилари бу учрашувада Форс кўрғазин минтақасига доир масалалар муҳокама қилинди, деб ёздилар.

САБЕҲЛАР УҒИРЛАБ КЕТИЛДИ

ТУРКИЯНИНГ жануубида жойлашган бешта вилоятда шу кунларда дафъатан ўғирлаб кетилган хоржик беш нафар саёҳатчиларни қидириб топиш бўйича ҳар бир операция ўтказилмоқда. Тоғли районларда 2500 аскар қидирувчилари олиб бормоқда. Парвоз қилиб юрган вертолётлар осмондан туриб уларга ёрдам кўрсатмоқда. Қидирувчилар кечасио кундузи олиб боришга қарор қилишди.

Алгоритм—ҳар ишда кўмакчи

2 сентябрь кун Тошкентда «Алгоритм» хозирги кунимолар» мавзусида конференция очилди. Расман у республика конференцияси деб аталса ҳам, асосида, Бутуниттифоқ уршувига айланган кетди. — Унда Ўзбекистон олимлари билан бирге Москва, Ленинград, Киев, Олмаот, Бишкек, Душанбе, Воронеж, Запорожье, Иркутск, Қозон, Новосибирск, Свердловск, Харьков, Чимкент ва бошқа шаҳарларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Бу ўринда илмий марказлардан ҳар бирини эслатиб ўтишимиз керак: «Алгоритм»нинг асосий марказлари ўзларининг янги ишлари, уюшмалари, режалари ҳақида «Алгоритм» вазирлигида эътибор беришни ўз ичига олиб ҳисобланган, чунки «Алгоритм» атамаси буюк ордонининг Ал-Хоразми номидан келиб чиққан.

Аммо бу тарихий эслашга эмас — Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бўлимида, жумхурият дорилфунунлирида, таъдиқот, ўқув, лойиҳа илмгоҳларида илм-фаннинг кўпгина тармоқларининг алгоритмига, ҳисоблаш таърифи усуллари, математика моделлаш қондилари самарали равишда ришқантирилмоқда. Бу ишлар таъдиқотларининг

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ПАХТАКОР?

Вилот қасаба уюшмалари ҳодимлари яқинда қатор ноҳияларда бўлиб, дала шийпонлариди аҳвол ва пахтакорларга яратилган шарт-шароитлар билан таърифлар. Тегишли натижалари шунки қўрсатдики, жамоа ва давлат хўжалиқларида 3215 та бригадалар бўлиб, шулардан 1715 таси пахтачиллик жамоаларидир. Бунга ноҳиясиди «Партия XIX съезди» жамоа хўжалиқда хўжалиқ раҳбарлари, қасаба уюшмаси қўмитаси раислари, бригадалар бошлиқлари ва маънавий хизмат қўдимлари иштирокиди семинар-кеңаш ўтказилди. Таъбирлар ишлаб чиқилди.

«Партия XIX съезди» жамоа хўжалиқда ўзига хос таърифа бор. Бу ерда ҳамма бригадаларда бепул иссиқ оғдат ташкил этилган. Бригадаларда томоғра, боғ бўлиб, еттиштирилган ҳосил ишловчиларнинг оватига солинди, дастурхонига қўйилди, Эҳтиётдан ортинчаси бозорга олиб чиқилди.

Чиноз ноҳиясиди Охунбобоев номи, «Москва» жамоа хўжалиқларида ҳар бир дала шийпони яқинда ярым гектардан томоғра ташкил этилган. Деярли ҳамма бригадаларда қўра мол, қўй-очқ, парралда боқилайти. Тушлик оғдат бепулдир.

Ғалаба ноҳияси «Коммунизм» давлат хўжалиқининг 4-бригадаси дала шийпони, Боғда ширин-шакар мевалар ишқомда узумлар пишиқ турпти. Ёрдамчи хўжалиқда қўй, ховузда балнқ, томоғрада сазавотлар етилмоқда.

«Ўзбекистон ССР беш йиллик» таърифа хўжалиғи дала шийпонлари яқинда ҳам шундай серҳосил томоғра, боғ ва узумзорни кўриш

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА НИМА ГАП?

Ғалаба ноҳияси «Коммунизм» давлат хўжалиқининг 4-бригадаси дала шийпони, Боғда ширин-шакар мевалар ишқомда узумлар пишиқ турпти. Ёрдамчи хўжалиқда қўй, ховузда балнқ, томоғрада сазавотлар етилмоқда.

«Ўзбекистон ССР беш йиллик» таърифа хўжалиғи дала шийпонлари яқинда ҳам шундай серҳосил томоғра, боғ ва узумзорни кўриш

риб чиқилди. Камчиликлар кўрсатиб ўтилади. Амалий ёрдам уштарилди.

Афсусли, кўпгина жойларда дала шийпонлариди шарт-шароит қўйилмагандек эмас. Телевизор, радио, қўрача, шолча, ширин-товоқ, синари бутумлар еттишилди. Тушлик оғдат таърифланмайдиган шийпонлар ҳам бор. Бунга Пискаев райониди Охунбобоев номи жамоа хўжалиғи шийпонларини мириб чиқилди. Камчиликлар кўрсатиб ўтилади. Амалий ёрдам уштарилди.

Афсусли, кўпгина жойларда дала шийпонлариди шарт-шароит қўйилмагандек эмас. Телевизор, радио, қўрача, шолча, ширин-товоқ, синари бутумлар еттишилди. Тушлик оғдат таърифланмайдиган шийпонлар ҳам бор. Бунга Пискаев райониди Охунбобоев номи жамоа хўжалиғи шийпонларини мириб чиқилди.

Дала шийпони чининдай тоза. Бунга пахтакорнинг иккинчи уйи деса бўлади.

Паркент ноҳиясида ҳам бу борадаги ишлар заки эмас. Далачиллик — сановат қўмитаси энг яқин дала шийпони учун кўрик-конкурс эълон қилган.

Ўрта Қирчиқ ноҳияси дала шийпонларининг йнғим-терим мавсумига таъриғларлик масаласи район деҳқончилик сановат қўдимлари қасаба уюшмасининг раёсатида кўсол қилиб келтириш мумкин.

Оқдўғрон ноҳиясиди «Озоод», «Ленинизм», Навоий, Охунбобоев номи жамоа хўжалиқларида ҳамон дала шийпонларини таъриғларлик тагуалланганча йўқ. Ғалаба ноҳиясиди «Ленинград», Ленин, Ҳамза номи жамоа хўжалиқлари дала шийпонларида ишловчиларнинг дамо олшини ташкил этишга лойиқ қаралмоқда.

Тегишли натижалариди ана шу нараса маълум бўлди, телевизор, радиоприёмни, холодильниклар эҳ-

ЎРНИ БУШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛАР УРНИГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ УТҚАЗУВЧИ МАВЗЕ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ

- АХБОРОТИ**
- «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 34-моддасига мувофиқ қўйилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.
- 13-ШАХТЕР САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Алиев Абдуразақ Абдумининович — 1954 йилда туғилган. Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари. Ангрэн шаҳрида яшайди.
- Тургунов Уктамон — 1951 йилда туғилган. Ўзбекистон Компартияси Ангрэн шаҳар комитетининг биринчи котиби. Ангрэн шаҳрида яшайди.
- 66-ТЕЛМАН САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Абдураҳимов Холмирза — 1937 йилда туғилган. Оқ-
- қўрғон райониди Вотивцев номи жамоа хўжалиқ пахтачиллик бригадаси бошлиғи. Оқдўғрон райониди яшайди.
- 82— МАДАНИЯТ САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Умаров Темирқул — 1950 йилда туғилган. Бекобод райониди Мавлонов номи шўро хўжалиғи марказий трактор парк механизми. Бекобод райониди яшайди.
- 97— ИСКАНДАР САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Нўрдошев Қамбар — 1950 йилда туғилган. Халқ депутатлари Бўстонлиқ район Кенгаши ижроия қўмитаси райониди яшайди.
- 110— ГЕРЦЕН САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Жалилов Шўҳрат Илхомович — 1939 йилда туғилган. Ўзбекистон Компартия-

- си Тошкент вилоят комитети котиби — мафкура бўлимининг мудири. Тошкент шаҳрида яшайди.
- 113-ПАХТАКОР САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Каримов Рустам Ибрагимович — 1939 йилда туғилган. Халқ депутатлари Ғалаба район Кенгашининг раиси, район партия комитетининг биринчи котиби. Ғалаба райониди яшайди.
- 152— ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Рўзиев Эркин Маҳмудович — 1947 йилда туғилган. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳрида яшайди.
- 203— ОҚОЛТИН САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Одилов Абдуғаффор Собиорович — 1956 йилда туғилган. Ленин номи жамоа хўжалиғи бригада бошлиғи. Янгийўл райониди яшайди.
- 104-НИЕЗОВ САЙЛОВ МАВЗЕСИДАН**
- Юсуфов Абдуғани — 1946 йилда туғилган. Халқ депутатлари Янгийўл район Кенгаши раиси, район партия комитетининг биринчи котиби. Янгийўл райониди яшайди.

«ОБУНА - 92»

Тошкент халқати

ҚАДРОН РЎЗНОМАГИЗГА ЁЗИЛИШНИ ЧУНУТМАНГ!

1992 йил учун рўнома ва ойнома-ларга обуна мавсуми бошланди. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Хурматли муштарийлар! Фурсат ганиматлигида ўз рўзномагиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга ишчилинг!

Ф. СП-1

СССР Алоқа вазирлиғи «Мабут уюшмаси»

Тошкент халқати (нашр номи) 64672 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соли

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга (масбаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТҚАЗИШ ВАРАҚАСИ

64672 (нашр кўрсаткичи)

п.в. мойн (нашр номи)

Тошкент халқати (нашр номи)

обуна	баҳоси	обуна соли
инги маълумига юбориш	баҳоси	сўм

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга (масбаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ЙИГИЛМОҚДА

Бу йил янада юқориқоқ мақсадни кўзлаб ишлайтили. Йил давомида нами билан 230 тонна металл парчалари, ва 169 тонна макулатура тўплашга аҳд қилинган. Улар ўз ваъдаларининг устида чиниляпти. Ҳозиргача тўпланган ичкиламчи ком ашёнинг жами мақдори 300 тоннага яқинлашиб қолди.

С. СУЛТОНОВ.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXV ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ВАКИЛЛАР САЙЛАНМОҚДА

Мамлакатда сийёсий аҳволнинг мураккаблашгани, КПСС Марказий Қўмитасининг тарқатиб юборилгани, партия ташкилотлари ҳамда коммунистлар олдига ечимини кутаётган оғир ва долзарб масалаларни ҳақда...

Бекобод районидagi партия ташкилотларидagi бўлиб ўтаётган йиғилишларида, Ўзбекистон Компартияси тўла-ўнги муштақил сийёсий ташкилот бўлиб қолиши керак, ҳозирги шароитда у аъзоларининг тақдир, республиканинг ва халқнинг келажagini учун масъулиятни ўзимасига олишга қодир...

Марказий жумҳуриятлардаги партия ташкилотларида инқироз кучайётган бир пайтда, жумҳуриятимиз коммунистлари ўз фаолиятларини тубдан қайта қуриш йўлидан боришни. Бу эса, албатта ўз навбатида халқ...

Ишбилармонлик—давр талаби

БУГУНГИ кунда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ҳудудини айлансангиз у бамисолов темирйўл станицасининг юк майдонини эслатади. Юзлаб контейнерлар, асоб-ускуналар жойлаштирилган яшиқлар йўл ёқаларида турибди. Уларнинг ҳаммаси яқин вақт ичида ишга тушиши ва маҳсулот бера бошлаши керак.

Тошкент тўқимачилари ана шу кунни сабрсизлик билан кутмоқдалар. Лекин ундан ҳамон дарак йўқ. Лоқайдлик ана шундай қувончли кунни яқинлаштиришга тўқинлик қилмоқда. Бу асоб-ускуналарнинг етказиб берган ҳақонга машҳур «Бабок» машинасозлик фирмаси мутахассислари ҳам шу вақтгача машина-механизмларнинг ўрнатилмаганини афсусланиб таъкидламоқдалар. Бунинг сабаби нимада? Шу ҳақда комбинат бosh ижнери В. Шименова шундай деди:

— Комбинатимизнинг қайта қуриш ва янқозлаш ишлари ишлаб чиқаришни тўхлатмасдан олиб боришмоқда. Бу албатта бунёдкорлик ишларининг чўзилишига сабаб бўлган. Бошқа илоҳимиз бўлмаганидан кейин шундай қилишга мажбур бўлибди. Ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас эди. Етмишичи йилларнинг охиридан бошлаб эски, ярим...

Янгийўл ёғ-мой комбинати жамоаси кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўяйтиришни янги янги имкониятларни ишга солмоқда. Технологияни тақомиллаштириш, замонавий асоб-ускуналарни ўрнатишга тобора кўпроқ аҳамият бермоқда. Шунинг учун ҳам зиммасидagi вазифаларни бажаришда дуруст кўрсаткичлар ариштири. Бунда илгор ишчиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Сиз ушбу суратда кўриб турган аппаратчи Содиқовалар ҳалол ва уқумал меҳнатлари билан касбдошлари ҳурматини қозонмоқдалар.

Сураткам В. ТУРАЕВ.

ёр. Унинг вакиллари бир неча бор Тошкентга келди. Лекин қурилиш ишларининг чўзилиши уларнинг эҳтишолига йўл қўймапти. Режага мувофиқ эса шу йилнинг июль ойидаёқ бир йилда 25 миллион метр таъмир-ремонт ишлаб чиқаришга мажбур бўлишга ҳақимиз. Бу асоб-ускуналарни ўрнатиш ва ишлаб чиқаришнинг тўхтатиш керак эди.

Ҳозирги мушкул аҳволдан чиқиш йўллариини соҳибқарорлик билан излаётган Тошкент тўқимачилари маҳсулот ишлаб чиқаришни қўяйтириш, унинг турларини кенгайтиришга ёрдам берадиган имкониятларни ҳам ишга солмоқдалар. Улар янги иқтисодий шароитда чет элдан шериклар қидирмоқдалар, халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ин...

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Пардозлаш фабрикасини техникавий жиҳатдан қайта ускуналаш бўйича режада белгиланган барча вазифаларни амалга ошириш эса бу ерда ҳар йили нами билан 170 миллион квадрат метр серталар, эркаклар қўйлакларини тикишга мўлжалланган табиий ва синтетик толадан тўқилган газламалар, фланеллар ва бошқа янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бундай маҳсулотлар аҳоли учун ниҳоятда зарур эканлигини айтишнинг ҳам ҳожати бўлмас керак.

Ўқиниб бўлиб ўтган Тошкент ишбилармонлар учрашувида қатнашган қатор чет эллик бизнесменлар комбинатда бўлишди. Улар Тошкент тўқимачилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш борлигини баён қилди. Жумладан, «Текстима» фирма бошқарувчиси Бернт Вендлер ва шу фирманинг СССРдаги ваколатхонаси бошқаруви Хас Шмидт корхона раҳбарлиги билан трикотаж бўйича ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона барпо этиш истакли борлиги ҳақда ҳужжатта...

СИФАТЛИ СИЛОС ТАЙЁРЛАШ УСУЛИ

МАЪЛУМКИ, силос ширани озуна бўлиб таркибида катта миқдорда протеин, карбон сувлари, минерал моддалар, витаминлар маъжуд. Тўқимачилик жиҳатидан эса кўнат озуқаларига яқин туради. Сифатли тайёрланган силосни чорва моллари ишга ва билан ёйди. Чорва молларини айниқса, соғин ситиларнинг маҳсулдорлигини оширади. Табиий ҳолда етиштирилган ўтларни сифатини кўпроқ сақлаб қолиш мақсадида жумҳуриятимизнинг қўйлаб ва илғим-текиришнинг муассасалари томонидан кўк ўтларнинг консервланишининг илгор технологиялари ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу технологиялар асосида ўсимликлар энг маъбуд ўсув даврида ўриб йиғиштириб, ҳандақларга тез ва соз бостириш имконини беради. Натияжада қўйлаб миқдорда озуна бирлиги ва ҳамналандиган протеин тўпланиш таъминланади. Маккажўхори учун ўсув даврининг дони дўмбўл ёки сут-қатқил бўлган пайти энг яқин мудат ҳисобланади. Дони дўмбўл бўлган даврида ўриб олинган маккажўхори таркибидан озуна бирлиги, сутли даврига нисбатан 25—70 фоиз кўп бўлади. Сир амоси, ҳўжа-ликларда кўпчица ана шу ўсув даврига эътибор берилмайдиган. Олинган маълу-мотлардан маълумки, маккажўхорининг дони сут-қатқил давридан ўтказиб ўришга кириштирилиш жумҳуриятимиз бўйича силос учун энг яқин майдонларнинг 60 фоизини ташкил этади. 40 фоиз эса талаб этилган даврда ўрилади, холос. Ёки аксарият кўпроқ майдонларда маккажўхори сўта ола бошлаган даврда, ҳали дони тўлмасданқў ўришга кириштилади. Бундай ҳолатларда ўришни ўтказиш кўп миқдорда тўқимали моддаларни тўпланмай, озуна сифати ниҳоятда паст, сирфатсиз бўлишига олиб келади. Кейинги йилларда ҳўжаликларда материал-технологияларда материал-технологиясининг бузилиши натижасида озунабоп энгилардан олинаётган озуна бирлиги ниҳоятда паст бўлмоқда. Айрим ҳўжаликларда эса силос сифати ҳаддан ташқари ёмон аҳволда. Сифатли озуна тайёрлашга сустр эътибор берилётган ҳўжаликларда озуна таркибидagi асосий элементларнинг мутаносиблиги бузилиб, қўйлаб ем озуқаси сарфланишига олиб келади. Натияжада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги салбий таъсир этиляпти. Шунинг учун ҳам шу кунларда авж олаётган силос тайёрлаш ишларига қатъий назорат ўрнатилиши зарур. Шу муносабат билан силослаш технологиясига қатъий амал қилиниши керак. Силосланади...

лашда табиийки, оғир занжирли тракторлардан фойдаланилади. Зичлаш яқин кезаётганлигини трактор занжирининг зан қолдиридан билиш мумкин. Агар аниқланган озуна таркибидagi ҳарорат 35 даража бўлса, бу талаб даражасидир. Бордию, ҳарорат 60—70 даражага кўтарилиб, қўйлаб кетса зичлашни давом эттириш лозим. Сифатли силос тайёрлаш шартларидан яна бири майдалаб зичланаётган озуна ниҳоятда тоза бўлишидир. Агар бу талаб даражасида бўлмаса, силос йўқсониб қуриб бошлайди. Шунинг учун транспорт воситалари ҳандақ четидан келиб озуқани эҳтиёткорлик билан агаргани маъжуд. Ҳандақлар зичланган озунага тўлган, ердан 0,5—1 метр кўтарилгач тезда силос устига қалин полиэтилен пленкаси ёпилиб оутидан 20—25 сантиметр қалинликда тулпор ётизилади, сомонли лой билан сувиқ қўйилса силоснинг яқин сақланиши таъминланади. Майдалаб ҳандақларга...


АМАЛ ҚИЛСАНГИЗ КАМ БЎЛМАЙСИЗ

Силос бостиришни қисқа кунларда тугаллаш учун КСК-100, КС-2.6, КС-1.8 каби комбайнлар тахт холатга келтирилган бўлиши керак. Маккажўхори ўрми ердан 10—12 сантиметр баландликда бажарилиши ҳосилни несобудис йиғиштириб олишда муҳим аҳамият касб этади. Агар бундан 1 сантиметр баландроқ ўриб олинса ҳам ҳар гектардан ўртача 3 центнердан ҳосил йўқолади. Бу тажрибаларда аниқланган. Шунинг учун ўришни пала-партиш ўтказишга йўл қўймаслик керак. Пояларнинг майда қилиб қирқилиши силоснинг сифатига ҳам боғлиқдир. Чунки майда қирқилганда поя таркибидан шир кўпроқ ажралиб чиқиб, нордон-сут бактерияларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳамда силос озуқасининг яқин зичланишини таъминлайди. Поялар таркибидagi ширалар бекорга оқиб кетмаслиги учун 70 фоиз намликка эга бўлган ўсимлик 30 мм узунликда, 80 фоиз ва ундан ортик намликка эга бўлган поялар эса 50 мм ва ундан ҳам узунроқ қирқилса, нобудгарчиликка чеқ қўйилади. Майдалаб қирқилган озуқани ҳандақларга бостиришда қатқил зичлаш талаб этилади. Чунки унинг таркибидagi ҳуво сиқиб чиқарилади, қизиб кетмайди. Майдаланган маккажўхори пояларини ҳандақларга зич...

жумҳуриятимиз шароитида консервант сифатида чумоли, сирка, бензой кислоталари ҳамда натрий пиросульфиддан фойдаланилади. Бу препаратлар озуна таркибида чорва молларига берилганда салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, бир қатор яқин хусусиятларга эга. Шунга қарамай иқтисодий самардорлиги юқори бўлган консервантлар жумҳуриятимиз ҳўжаликларидagi кенг тadbик этилмайди. Бунинг асосий сабаби кимёвий консервантларнинг четдан олиб келиниб 10—15 фоиз миқдорда таъминланганидир. Четдан олинган консервантларнинг ўрнини қоплайдиган маҳаллий консервантлар топиш мақсадида Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи олимлари ГИАПнинг Чирчиқ филиали билан ҳамкорликда кўк ўтларга ишлатиладиган кукунсифат консервантлар устида изланишлар олиб боришмоқда. Яқин натижаларга эришилган. Аммо ишлаб чиқаришга кенг тadbик этиш учун қурилмаган йўқлиги, маҳаллий консервантларни қўйлаб ишлаб чиқаришга тўсиқ бўлганлиги. «Племзита» илмий ишлаб чиқариш олимлари шунингдек, актив электрлаштирилган сув (ЭАР)нинг консервалаш хусусиятларини сиқиб ижобий натижалар олдилар.

Консерваланаётган 1 тонна нўхот массасига электр қуввати билан тўқинган сувдан 10—15 литр сарфланади. Бу энг арзон ва истиқболли консервантлардан ҳисобланади. Бу янгиликнинг истиқболли каттадир. Янги консервантлар излаш давом этмоқда.

К. КАРИБОВ, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳининг чорва хайвонларини озонлантириш ва озуна тайёрлаш бўлимининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.
К. ҒУЛОМҚОДИРОВ, катта илмий ходим.
Х. ИБРОҲИМОВ, тарғибот бўлимининг мудири.



ПЛАСТМАССА ЭШИК-РОМЛАР

«УЗГЛАВСТРОЙР Е В-ПРОМ»га қарашли Қуёшдан ҳимоялаш бўйичаги корхонаси жамоаси турли хил ишлаб чиқариш қилинган биноларнинг материаллари тайёрлашни тобора кенгайтирмоқдалар. Чунки бу ерда пайраха ва қишлоқ зичлини, тахта-лар, улардан эса шкафлар қисмлари ва бошқа материаллар ҳам тайёрланади. Корхонада маҳсулот иш-

Цехда янги технология тўла ишга тушгач ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 12,7 миллион сўмликни ташкил этади. Бу ҳозирги вақтда бутун корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига нисбатан 15—20 фоиз кўпроқ. Хоржийн технология асосида пластмассадан эшик ва ромлар тайёрлаш йўлига кўйилди. Унинг тахта-ёгондан тайёрланаётганлиги, нисбатан афзалликлари кўп, албатта. Аввало кўрилиш, чидамлик бўлади. Улар ўрнатиладиган уйлارнинг шинамлиги анча ортади.
Т. ЕРҚУЛОВ.

ЎРНАТМАЛИ МУШТАРИЯЛАРИ ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГИ

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак. Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақда квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАРИ

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда ҳосил, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади. Обуна варақасидagi «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

ИДИШ-ТОВОҚ ЧЕТГА ҲАМ СОТИЛАДИ

АҲОЛИНИ халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда Бекобод металлургия заводидagi шундай маҳсулот чиқарувчи цехнинг ҳам ўз ўрни бор. Маъжуд жамоа ишчилари тайёрлаётган уй-рўзгор буюмлари сифатлилиги, бежиримлиги билан харидорлар талабига тўла жавоб бериб келмоқда. Цехнинг В. Остроухова бошчилиги қилаётган 5-бригадаси аъзолари бригадалараро мусобақалар илгорликни қўлдан бермай келмоқдалар. Улар ҳар сменада режадаги 3 минг ўришга 3,5—4 мингта рўзгор идишларининг четларини зангласа халқлар билан муштаҳамлаб, тайёрлаш бўлимига юборишга эришмоқдалар. 11 кишилик бу кичик жамоанинг Рашида Абдухонова, Муниса Хусанова каби ишчи қизлари ҳам тажрибали ҳамкасблари қатори кунилик топшириқларини беш-ўн фоиз ортғи билан адо этмоқдалар.

Цехда рўзгор идишларининг янги ҳусналарини ишлаб чиқаришни жорий этиш мўлжалланмоқда. Бу маҳсулот сирли кастриоллар термасидан юборат бўлиб, цилиндримон шаклдадир. Маъжуд маҳсулотларнинг илғим-технологияси, балки Польша, Болгария, Афғонистон каби хоржийн мамлакатларда ҳам мамнуцият билан харид қилинмоқда.
А. БОВОНАЗАРОВ.

ҲИНОЗ РАЙОНИДА ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

«Ташоблагострой» бирлашмасига қарашли 33-хўжаликларга қўшма меҳнатчиликдаги қолонжа жамоаси бу йил ҳам қуриш-монтаж ишларини бажариш ва объектларни ишга тушириш бўйича биргача ишларни амалга оширмоқда.

Чиноз районидagi ҲИНОЗ РАЙОНИДА ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Биринчи ярим йиллик якунига кўра жамоа бosh пудрат ишлари бўйича режани 84,7 фоизга удрлади. Ўз кўчлари билан 1 миллион 322 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, бу борадаги режани 104,9 фоизга бажарди. Бу режадаги 62 минг сўм кўпроқ. Кирвон номи жамоа хўжаликдagi марказий ремонт устaxonаси, Янги Чиноздagi 85 ўришга болалар боғчаси, «Октябрь 40 йиллик»...

Чиноз районидagi ҲИНОЗ РАЙОНИДА ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

жамоа хўжалигида эса 415 квадрат метр турар-жой бинолари Ҳойдаланишга топширилди.

КАРТОШКАДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Навоий номи жамоа хўжалиги даладарига бу йил 50 гектар майдонга картошка экилади. Деҳқонлар бир-бирларидан қолтимаслик учун астойдил меҳнат қилдилар. Натияжада картошка мўл бўлди. Чинозор улғуржи харид қилиш ва сотиш кооператив идорасининг вакили Абдулла Шукуров яқинда ҳўжаликда бўлиб, даладардagi бор ҳосилни кўздан кечирди. — Бунда боозорги харидорги картошка учун нарх навода тортишиб ўтмаймиз — деди у. — Тузлаган шартномага кўра қилонзорни кооператорлар ҳар...

• Бозор иқтисодиёти ва деҳқон •

АЪЗАМ Абдувалиев яқинда Хитой Халқ Жумҳуриясида бўлиб қайтди. Аслида биз бу суҳбатни ана шу мавзуда қаратмоқчи, унинг ҳориздан олиб қайтган таассуротлари, фикр-мулоҳазаларини билмоқчи эдик. Ўй, бўлмади. Суҳбат доираси шунчалик кенгайиб кетдики, у деҳқоннинг бугунги аҳоли, рўзғори, ташвишлари, ўйлари билан боғланиб кетди. Қўлини кўрған раҳбар сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг мураккабликларини

ҳам, қувончу ташвишларини ҳам, эндиликларини ҳам кўриб, ҳаётга қўн тажриба ортирган Аъзам аканинг фикрлари, мулоҳазалари, режалари очини, шахсан менда катта таассурот қолдирди. Бекхитёр уни рўзномада тўлиқ бериш истаги тугалди. Зеро, улар вилоятда деҳқончиликни, айниқса, сабабот ва чорвачиликни ривожлантиришда, бундан бўён ишни ташкил этишда катта эрдам беради, деб ҳисоблайман.

ЕРНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЯПМИЗМИ?

— БУГУН қаерда бўлманг, суҳбат мавзуси муаммоларга келиб тақалади, — деб гап бошлади Аъзам Абдувалиев. — Дарҳақиқат, улар кундан-кунга кўпайиб кўпайиб кетди, қамайиб кетди. Бунга тин олмасдан бошқа илож йўқ. Айниқса улар деҳқончиликка ярага қаттиқ оғриқ берипти. Узоққа бормайлик. Ҳозирга келиб санаёт ишлаб чиқаришида нарх-наво, мен бу ерда қишлоқ хўжалик машина-механизмларини, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларини ва бошқа ускуналари ҳам назарда тутганим, тахминан 240—300 фоиз ошиб кетди. Биз 1991 йилда илгари 1 сўм 10 тини турадиган сабабот солинидангача илгирчиларни 5—5,5 сўмдан олишга мажбур бўлмоқдамиз. Яқинда ҳисоб-китоб қилдик. Хўжалигимизда етиштирилган маҳсулотларни саранжомлаш учун йилга 100 миң донагача ана шундай идишлар ишлатилар экан. Кўриниб турибдики, ана шунинг ўзидек жуذا катта маблағ йўқотишмоқда.

Уз-ўзидан бу сўзларни ўқиган кишида нима бўпти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ҳам ошди-ку, деган мулоҳаза тугилиши эҳтимолдан холи эмас. Тўғри, харид нархлар юқорилади. Лекин аҳвол айримлар ўйлаганчалик эмас. Биз бугунги кунда сабабот, картошка, мева ва бошқа резаюрларни ўтган йилларга нисбатан бор-йўри 32 фоиз қимматга сотмоқдамиз, холос. Энди ўзингиз ҳисоблаверинг. 240 фоиз қаерда-ку, 32 фоиз ерда! Аммо деҳқонга талаб ортиб борапти. Маҳсулот етказиб беришни қамайтирмаслик керак. Айни пайтда бозорда нарх-навои пасайтириш чораларини кўриш лозим. Тўғри, биз — деҳқонлар ҳам ўзимиз етиштирилган маҳсулотларни эркин нархда сотиш ҳисобига кўтарилиб бораётган ҳаракатларни қоплашнинг мумкин эди. Лекин гап халқ таъминоти устида боришти-ку! Эҳтимол бир оилада бир-икки нафар фарзанд бўлиб йилга, ҳатто уч-тўрт йилга етар. Аммо озиқ-овқат ҳар кун зарур. Масалан, шу нуктага назардан баҳо бермоқ керак.

Майли, биз барчасига розимиз, оғирликни иложига борица бўйнимизга олишга тайёرمىз. Лекин бугунги вазият колхоз-совхозларнинг ҳам аҳволини тобора оғирлаштиришмоқда. Бир томондан даромаддан ютказилган, иккинчи томондан оширилган солиқ сибаси таъини боши берк кўчага олиб кирмоқда. Қўлараси, фақат илгирчиларнинг манфаатини ўйлаб, деҳқонни ортинга қўйиш ҳам инсофдан эмас-да. Ҳар ҳолда ҳукумат раҳбарлари бу масалаларни бафурна ўйлаб кўришлари жуذا зарур бўлиб қолди. Бу деҳқонни ўйлангиратган энг катта муаммолар тўғрисидаги дастлабки мулоҳазалар.

Энди масаланинг бошқа томонига ўтмоқчиман. Бугун айримлар ҳамма нарсага, режани бажармаганилига ёки хўжаликнинг иқтисодий чўкиб бораётганлигига ана шуларни рўқча қилишга ортинга қўйиб кетаётганлар. Наҳотки қишлоқ хўжалигида имкониятлар шунчалик чегараланиб қолди? Йўқ. Менинг назаримда бундай эмас. Изланган, ишга ижодий ёндашилган жойларда ҳар қандай шароитда ҳам яхши натижаларга эришица бўлади. Фақатгина замонга қараб қадам ташлаш керак. Мен бугунга ўз хўжалигимизда эришилган айрим натижалар билан мисол келтирмоқчиман.

Сўнгги йилларда шаҳар кенгайиши муносабати билан

«Қорасув» совхозининг энг серҳосил ерлари кескин қисқариб борапти. Ҳозирги кунда нари борса 400 гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилинади. Ана шу ердан давлатта 5 миң тоннадан ортқ сабабот, 500 тонна сут, 20 тоннадан кўп гўшт, 100 тонна кулпунай ва бошқа резаюрлар етказиб беришимиз. 1990 йилда барча харажатлардан ташқари 1 миллион 46 миң сўм соф фойда олдик. Хўш, бунга қандай омиллар ҳисобига эришяпмиз?

Биринчидан, ернинг қадрига етганимиз, уни эъозлашганимиз. Йил бўйи парварши қилишимиз. Зеро, бизнинг хўжалигимизда барча майдонлардан йилга кам деганда икки-икки ярим марта ҳосил олинади. Шундай экан, ерга муносабат ҳам шунга яраша бўлмоқ керак.

Иккинчидан, ана шу неъматларни яратаётган одамларга муносабати ўзгартирдик. Уларнинг ўз имкониятларини намойиш қилишлари учун шароит яратяпмиз. Бунга қараганки, тажриба инсонга тўғри йўл кўрсатгангиз, уни қўллаб-қувватласангиз, у жуذا катта ишларни қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Совхозда меҳнатни ташкил этишнинг ижара пудрати усулини жорий этишнинг ташаббускорлари ҳам ана шу деҳқонларнинг ўзлари бўлишди.

